

**ЙИЛҚИЧИЛИКДА МАДАНИЙ ЯЙЛОВЛАРНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ****Шарипов О.М.**

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8367186>

Аннотация. Мақолада йилқичилик учун Ўзбекистоннинг қир ва адир ерларида маданий яйловлар ва “левалар” барпо этишининг зарурияти ва амалий аҳамияти кўриб чиқилиб, бу борада олиб борилаётган тадқиқотларнинг дастлабки натижалари келтирилган.

Калим сўзлар : маданий яйловлар, левада, йилқилар, спорт отлари, озуқабоп ўтлар, эфемерлар, рельеф, четан, конструкция.

Аннотация . В статье рассматриваются вопросы необходимости и практической значимости культурных пастбищ – “левад” для коневодства на предгорных и адырных землях Узбекистана и приводятся первичные результаты исследований по их созданию.

Ключевые слова : культурные пастбища, левада, кони, спортивные лошади, кормовые травы, эфемеры, рельеф, ограда, конструкция.

Abstract . The article discusses the need and practical significance of cultural pastures - “levad” for horse breeding on the foothill and adyr lands of Uzbekistan and provides the primary results of research on their creation.

Key words : cultivated pastures, levada, horses, sports horses, forage grasses, ephemerals, relief, fence, structure.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 11 мартдаги ПҚ-5024 сонли “Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини омалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар тегишли “Йўл харитаси” асосида амалга ошириб борилмоқда. Унда инфратузилма объектларидан иборат кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш; соф зотдор отларни урчитиш, ва кўпайтириш, ёш отлар ривожланиши ва ўсишини, яйлов ва ем-озуқа базасини мустаҳкамлаш ва бунинг учун етарлича ер майдонлари ажратиш каби вазифалар қўйилган. Мазкур қарорни амалга ошириш учун йилқичиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади.

Отларни боқиш ва парваришлашни тўғри ташкил этиш, уларнинг яйлов мавсумидаги боқувида турли ем хашак, озуқабоп экинлар, шунингдек табиий яйлов озуқалари билан таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда маълум давр мобайнида қишлоқ хўжалигида интенсив деҳқончиликка ўтиши, пахта ва ғалла монополияси ҳукм суриши, фермерларга суғориладиган ерларни бериб юборилиши, табиий яйловларга антропоген ва техноген босимни кучайтирди. Дашт ерлари ҳайдаб юборилиши, ундаги яйловлардан самарасиз фойдаланиш, минтақада ёғингарчилик камайиб, сув танқислиги вужудга келиши табиий ем-хашак майдонларига салбий таъсир этди (У.Н. Носиров (2019), О.О.Қахрамонов (2019)). Бундай жараёнлар нафақат Ўзбекистонда, балки Россия ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳам кўзга кўрина бошлади. Вужудга келган ҳолатни бартараф этиш мақсадида отлар учун сунъий, юқори маҳсулдор ёки бошқача айтганда, маданий яйловлар барпо этиш ва уларни тартибли боқиш учун “левалар” яратиш эҳтиёжи юзага келди Е.А. Арзуманян, А.П.

Бегучев, В.И. Георгиевский..Жаҳонда сунъий/маданий яйловларни яратиш ва унда отларни яйратиш ўстириш борасида кўпгина хорижий олимлар тадқиқотлар олиб борган бўлсада, Ўзбекистонда бу йўналишда илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмаган ва шу кунларгача маданий яйловлар яратиш масаласи очиклигича қолмоқда. (О.М. Шарипов (2015,2017,2018), Л.А.Гафурова, Г. Набиева (2017), В.А. Тумлерт (2020), Т.Ш. Устабаев и др. (2020)).



Расм: Жаҳонда маданий яйловлар яратиш намунаси.

Зотли ва спорт отларини етиштирувчи корхоналар учун яйловлар бугунги кунда жуда зарур, чунки ҳайвонларни тўла қийматли озуқа билан тўйинтириш учун табиий муҳит зарур. Бунинг ечими – сунъий равишда маданий яйловларни яратиш ва бу борада самарали технологияларни ишлаб чиқиш, йилқичиликка жорий этишдир.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар танқис бўлгани сабабли нисбатан фойдаланмай келинаётган қир ва адир ерларида йилқилар учун сунъий яйловлар жойлаштирилса, ерлардан унумли фойдаланишга хизмат қилиши шубҳасиз. Сунъий яйловлар отлар озикланиши билан бир қаторда, очик хавода маълум муддат сақланиши, меъёрида қуёш нуридан баҳраманд бўлиши, кўпроқ ҳаракатланиши организмнинг физиологик функциялари нормал кечишига хизмат қилиб, йилқиларнинг соғлом бўлишини тامينлайди.



Расм: Тўсиқ билан ўралган леваданинг (четаннинг) кўриниши

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг йилкичилик бўлими томонидан, соҳани янада ривожлантириш мақсадида, отларни боқиш учун сунъий яйловларни яратиш, улардан самарали фойдаланиш ва отларни тартибли боқишнинг жaxon амалиётидаги “левада”ларда (маҳсус четанларда) боқишнинг, маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда, агро-зоотехнологик ва конструктив параметрларини илмий жиҳатдан асослаб бериш йўналишида Ўзбекистон шароити учун мақбул бўлган агро-зоотехнологик ва конструктив параметрларини ишлаб чиқишга қаратилган “Спорт отларини қир ва адирлар левадаларида парваришлаш технологияси” маҳсус илмий дастур ишлаб чиқилиб, тадқиқотлар бошлаб юборилди.

Тажрибаларнинг умумий таърифи.

Тажриба маданий яйловларини барпо этиш учун стратегик экинлар етиштирилмайдиган қир-адирларга хос бўлган ер участкалари танланди.

Бу тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Тошкент тумани “Qamar-biznes” МChJга қарашли наслчилик фермасининг 5 га ерида 15 бош йилқи учун сунъий (маданий) яйлов барпо этиш билан бошланди. Хўжаликнинг шароитидан келиб чиқиб, дастлабки босқичда бу ерда сунъий яйлов яратиш имкониятлари ўрганилди.

Аниқланишича, Тошкент вилояти Тошкент тумани ҳудуди Чирчиқ ва Келес дарёлари водийсида жойлашган. Релефи, асосан, пастбаланд текисликдан иборат. Иқлими континентал. Ҳавонинг йиллик ўртача харорати $+13,3^{\circ}$. Январнинг ўртача харорати $-0,9^{\circ}$, $-1,1^{\circ}$, энг паст температура -29° . Июлнинг ўртача харорати $26,7^{\circ}$, энг юқори харорат $+42^{\circ}$. Ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 370–390 мм, ёмғир асосан, қишнинг 2-ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 235 кун. Худудда ўтга чидамли гил, шағал, қум ва иссиқ минерал сув булоқлари бор. Экинларни суғоришда Келес дарёси, Захарик ҳамда Бўзсув каналларидан фойдаланилади. Кўп ҳолларда бу ерларга сув кўтаргич (насос) орқали олиб чиқилиб, сўнг дала ерларига тақсимланади. Бундай суғориш тизими деҳқончиликда таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, насос ишламай қолганда (ишдан чиққанда, электр таъминоти тўхтатилганда ва ҳ.з.) ёки сув манбада сув етишмаганда, экинлар сув етказиб

берилишдан махрум бўлади. Шу сабабдан бундай ерлар – “шартли суғориладиган ерлар” деб аталади.



Расм. Тажриба участкасидаги табиий яйловнинг кўриниши

Хўжалик томонидан сунъий яйлов ташкил этишга ажратилган ер участкаси кир-адирга хос ерда жойлашган бўлиб, сув таъминоти фақатгина сув кўтаргич-насос билан амалга оширилади. Ўз навбатида юқорига кўтарилган сув $-75 \times 25 \times 4 \text{ м} = 7500 \text{ м}^3$ сиғимга эга сув омборига тўпланиб, эҳтиёжга қараб тақсимланади.

Танланган ер участкасидаги ўтларнинг ботаник таркиби ўрганиш жараёнида куйидаги табиий озуқабоп ўтлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал)

1-жадвал

Тажрибадаги яйлов ўтларнинг ботаник таркиби

№	Латинча номи	Ўзбекча номи	Тури
1	<i>Arctium tomentosum</i>	Кийгизсимон қариқиз	Озуқабоп
2	<i>Crambe orientalis</i>	Шарқ қатрони	„ „
3	<i>Lamium amplexicaule</i>	Ёпирмабарг ламиум	„ „
4	<i>Phragmites australis</i>	Жануб қамиши, оддий қамиш	„ „
5	<i>Medicago sativa</i> L.	Экиладиган беда-люцерна	„ „
6	<i>Cardaria repens</i>	Судралувчи болтирик	„ „
7	<i>Convolvulus arvensis</i> L.	Дала печаги	„ „
8	<i>Roemeria refracta</i>	Эгилган (лола) қизғалдоқ	„ „
9	<i>Bromus inermis</i>	Қилтиқсиз ялтирбош	„ „
10	<i>Bromus japonicus</i>	Япон ялтирбоши	„ „
11	<i>Hordeum leporinum</i>	Қуён арпа	„ „
12	<i>Hordeum spontaneum</i>	Ёввойи арпа	„ „
13	<i>Goldbachia pendula</i>	Осилган гольдбахия	„ „
14	<i>Rumex crispus</i>	Жингалак откулоқ	„ „
15	<i>Fallopia convolvulus</i>	Ўрмаловчи фаллопия	„ „
16	<i>Vicia hirsuta</i>	Ҳирқон боқласи	„ „
17	<i>Trifolium repens</i>	Ўрмаловчи себарга/тўққизтепа	„ „
18	<i>Artemisia annua</i>	Бир йиллик шuvoқ.	„ „
19	<i>Polygonum aviculare</i>	Чумчуқтил торон	„ „
20	<i>Anchusa italica</i>	Италия хўкиз тилиси	„ „
21	<i>Glycyrrhiza glabra</i>	Ялонғоч ширинмия	„ „
22	<i>Capsella bursa-pastoris</i>	Оддий жағ жағ, ачамбити	„ „

23	<i>Fumaria vaillantii</i>	Вайян шотараси	„
24	<i>Centaurea iberica</i>	Иберия бўтакўзи/қўзтикон	„
25	<i>Plantago lanceolata</i>	Ланцетсимон зубтурум.	„
27	<i>Alhagi kirghisorum</i>	Қирғиз янтоғи	„

Тажриба майдонидаги ўтларнинг ботаник таркиби ўрганилганда, яйловда 27 хил озуқабоп ўсимликлар мавжудлиги қайд этилди. Улар орасида кўплаб озуқабоп ўсимликлар учраб, уларнинг барчаси ўзига яраша тўйимлиги, витаминларга бойлиги, шифобахш хусусиятга эга эканлиги маълум бўлди. Қайд этиш лозим-ки, кузатувларда мавжуд ўтларнинг орасида бирон бир нобоп ёки заҳарли ўсимликлар мавжудлиги аниқланмади.

Ушбу яйловнинг яна бир ахамиятли жиҳати шу-ки, бу ерда аҳоли вақти-вақтида чорва молларини ўтлатади. Чорва моллари аралаш ҳолда (асосан қўйлар, қорамоллар ва отлар) кўп йиллардан бери бу ерда ўтлатилади ва ўзидан кейин кейин қийисини ва гўнгини қолдиради. Боқилишнинг бундай тартиби орқали ер табиий ҳолда ўғитланади, ҳайвонларнинг чиқиндисини орқали ҳазм бўлмаган озуқабоп ўсимликлар уруғлари билан табиий ҳолда зироат этилади ва ўсимликлар келгуси йилларда униб чиқади.

2021 йилда олиб борилган тадқиқотлар давомида, биринчи навбатда, табиий ўтларга эътибор қаратилди. Маълум бўлди-ки, бу ерда йиллар давомида озуқабоп ўтлар агломерацияси ҳосил бўлган (лотин тилида – *agglomerо* - бирлаштираман, тўплайман). Илмий ишимизда яйловчиликда илк бор - "табиий ўтлар агломерацияси" тушунчасини қўллашимиз - табиий яйловда ва кейинчалик маданий яйловларда, ўсимликларнинг биологик хилма-хиллиги ва ўтлар ўхшашлигини сақлаган ҳолда, бир-бирларига онтагонистик таъсир кўрсатмай, симбиоз ҳолатида ҳаёт кечириши натижасида ҳосил бўладиган фойдали озуқабоп ўсимликлар композицияси, деб изоҳланади.



Расм. Табиий яйлов ўсимликлари агломерацияси.

Тажрибаларнинг иккинчи босқичида худди шундай, 5+5, жами 10 гектарлик майдонда бир қатор маданий озуқабоп экинлар экилди (2-жадвал).

2- жадвал

Тажриба схемаси

Экин майдони	Экинлар тури	Уруғ сарфи 1га/кг	Рельефнинг қуёшга нисбатан жойлашуви
Назорат майдони	Табиий ўтлар	спонтан	теккислик
I -тажриба майдонча	Райграс	5,0	шимолий-шарқий қиялик
	Эспарцет ўти	15,0	
	Люцерна	15,0	
	Қашқарбеда (Донник)	15,0	
	Судан ўти	10,0	
	Сули	50,0	
II -тажриба майдонча	Райграс	5,0	жанубий-ғарбий қиялик
	Эспарцет ўти	15,0	
	Люцерна	15,0	
	Қашқарбеда (Донник)	15,0	
	Сорго (оқ жўхори)	15,0	

Жадвалдан кўриниб турибдики, I-тажриба майдонида судан ўти ва сули ўрнига сорго экилган. Бундан мақсад – яшил массани кўпайтириб, кеч кузгача маданий яйловда озука миқдорини барқарор сақлаб туриш ва яйловни қуёшга нисбатан жойлашувининг таъсирини кузатиш. Тажриба кўрсатди-ки, назорат майдонида табиий яшил ўтлар массаси 2022 йилнинг кеч кузгача 65%гача сақланган бўлса, шу даврга келиб I-тажриба майдонида бу кўрсаткич 75% гача, II-тажриба майдонида 17% гача сақланган. Кўриниб турибди-ки, маданий яйловни қуёшга нисбатан жойлашуви ердаги захликни сақлаб, ўтлар ривожига ижобий таъсир ўтказди. Бунда теккислик ва шимолий-шарқий жойлашувлар жанубий-ғарбий қияликка нисбатан тупроқ намлигини сақлаган ҳолда, озубоп ўсимликлар ривожини узоқроқ вақт таъминлаб туради. Ўз навбатида шимолий ориентация тупроқ намини сақлашга хизмат қилса, шарқий ориентация ўсимликлар етарли даражада қуёшдан энергия олишини таъминлайди.

Шундай қилиб, маданий яйловни жўғурофик кутбларга қаратиб барпо этиш, сув танқис бўлган қияликларда ердаги намлик сақланишига, яйлов экинлари фаол ўсишига ва яшил массани барқарор сақланишига жўғурофий жойлашувининг таъсири аниқланди.

Тажрибаларнинг 2023-йил босқичи отларни маданий яйловда ўтлатиш режимлари ва “левада” (четан) конструкцияларининг оптимал вариантларини ўрганиш тадқиқотларига қаратилган ҳолда давом этмоқда.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилаётган кузатувлардан келиб чиқиб, қуйдаги хулосаларни келтириш мумкин:

республикада йилқичилик ва от спортини ривожлантиришда отларни табиий витаминли озуқалар билан таъминлаш амалий аҳамиятга эга;

отларни тўйимли табиий озуқалар билан таъминлаш мақсадида сунъий яйловлар яратишга эҳтиёж мавжуд;

тажрибадаги яйлов ер участкаси табиий сув ҳавзасидан суғорилмагани сабабли унга озуқабоп ўтлар уруғлари суғориш сувлари воситасида кириб келмайди;

вақти-вақтида чорва молларини, аралаш ҳолда, яйловда мақсадли боқилиши озуқабоп ўтларни табиий равишда зироат этилишини келтириб чиқаради;

хайвонлар истеъмол қилган ўтларнинг уруғлари ошқозон-ичак системасида тўлиқ ҳазм бўлмай, аксарияти табиатга тарқалиши табиий яйловни тикланишини келтириб чиқаради;

бўш тупроқ қатламида, намлик етарли бўлганда, табиат яйловбоп ўтлар қопламасини қайта тиклашга қодир;

сунъий яйлов қирнинг шимолий-шарқий қиялигида жойлаштирилиши ундаги тупроқнинг намлигини сақлашга, ўтлар уруғлари ўз вақтида униб чиқишига ва ниҳолларининг илдизлари ривожланишига хизмат қилади;

ййлов озуқа экинлари учун нобоп - бегона ўтлардан ҳоли бўлиши ва фақатгина озуқабоп ўтлар табиий равишда зироат этиб келиниши унда яйловбоп ўтлар агломерациясини ҳосил қилади;

ййловдан мақсадли ва тартибли фойдаланганда табиий ўсимликлар орасида хайвонлар организми учун зарарли бўлган ёки онтагонист ўтларнинг аралашуви камдан-кам кузатилади;

ййлнинг куз фаслини иккинчи ярмидан бошлаб чорва молларини аралаш ҳолда яйловда мақсадли боқилиши озуқабоп ўтлар уруғлари тарқалишига ва ййлқилар учун сунъий яйлов яратилишига хизмат қилади;

спорт ва хизмат отларини физиологик салоҳиятини ошириш учун улар сунъий яйловларда - левадаларда парваришланиши талаб этилади.

Ййлқилар учун танланадиган яйловда сунъий равишда озуқабоп ўтлар экилиши, суғорилиши, парваришланиши, ва реконструкция қилиб борилиши, шунингдек куз ойларида отлардан бўлак бошқа чорва молларини яйловга чиқариб туриш, яйлов майдонларини алмаштириб бориш, отларни яйловда боқиш режимларини ишлаб чиқиш зарурияти ва жаҳонда қабул қилинган атамани ҳисобга олганда, бундай яйловларни - маданий яйловлар, деб эътироф этишга тўлиқ асос бор.

REFERENCES

1. Арзуманян Е. А, Бегучев А.П., Георгиевский В.И. и др. Животноводство, учебник для высших учебных заведений под ред. Е.А. Арзуманяна.- IV- издание, переработанное и дополненное. М.: Агропромиздат. 1991.- 512 с.
2. Гафурова Л.А., Набиева Г., Шарипов О.М. ва б. «Чўл ва адир минтакалари шароитида маҳсулдор яйловлар барпо этиш технологиялари. Фермерлар учун тавсиялар. ООО "Starprint Servis", Т.: 2014., -1,5 б.в.
3. Красота В.Ф., Джапаридзе Т.Г., Костомахин Н.М. Разведение сельскохозяйственных животных. - 5-е издание, переработанное и дополненное. М.: Колос. С- 2005. - 424 с.

4. Носиров У.Н., Мақсудов И., Досмухамедова М. Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш омиллари. Тошкент. 2011. 63 б.
5. Пахомов И.Я., Разумовский Н.П., Основы научных исследований в животноводстве и патентоведении. Витебск: 2007 г, Стр.- 133 стр.
6. Гафурова Л.А., Набиева Г., Шарипов О.М. ва б.. «Чўл ва адир минтақалари шароитида маҳсулдор яйловлар барпо этиш технологиялари. Фермерлар учун тавсиялар., ООО “Starprint Servis”, Т. 2014., -1,5 б.в.
7. Шарипов О.М., Правовое обеспечение развития пастбищного хозяйства – основа эффективного использования земель и повышения продовольственной устойчивости страны. Сборник материалов республиканской научно-практической конференции, посвящённой 100 летию Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека “Почва, климат, удобрение и урожай: актуальные проблемы и перспективы”. Москва - 2018. Стр. 571-576.
8. Шарипов О.М. ва б., «Яйловчиликдан 101 савол ва жавоб», олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма, Т. 2014, -1,5 б.в.
9. Юсупов С.Ю., Мукимов Т. Пастбища Узбекистана и их рациональное использование Ташкент: 2009.- 128 с.
10. Қахрамонов О.О., Яйлов ўсимликлар уруғчилигини ривожлантириш чоралари. “Республикада чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари” республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: 2019. 243-б.
11. Ҳолмирзаев Д.. «Йилқичилик», олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент, «Меҳнат», 1990.
12. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди ҳақида. Миллий ҳисобот. 2017.
13. Третье национальное собрание Республики Узбекистан порамочной конвенции ООН об изменении климата. Ташкент. 2016. – 27 – с.